

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.001.2020.Ped.02.06
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ИРИСБАЕВА МАНЗУРА НУРМАМАТОВА

**ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ТАРИХИЙ-МИЛЛИЙ ВА
ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Ирисбаева Манзура Нурмаматовна

Таълим тарбия жараёнларида тарихий-миллий ва замонавий педагогик
технологиялар интеграцияси.....3

Ирисбаева Манзура Нурмаматовна

Интеграция историко–национальных и современных педагогических
технологий в процессе образования.....25

IrisbayevaManzura Nurmamatovna

Integration of historical national and modern pedagogical technologies in
educational processes 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.001.2020.Ped.02.06
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ИРИСБАЕВА МАНЗУРА НУРМАМАТОВА

**ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ТАРИХИЙ-МИЛЛИЙ ВА
ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ped894 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифанинг www.samdu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Махмудова Муяссар Махмудовна
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ибрагимов Аъламжон Амриллоевич
педагогика фанлари номзоди

Тожиёв Мамаражаб
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.001.2020.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz.)

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (..... рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-11-51; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Х.И.Ибраимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ш.Р.Ураков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.ф.д. (PhD)

Н.Ш.Шодиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда фан ва техниканинг ривожланиши, ахборот технологияларининг ҳаётга жадал суръатда кириб келиши таълим жараёнларини педагогик жиҳатдан технологиялаш, ўқитишнинг интеграциялаштирилган шарт-шароитларини такомиллаштиришга бўлган талабни кучайтирмоқда. Бунда турли фанлар ёки мавзуларни интеграциялаш билан бирга, ўқитиш технологиялари, шаклларининг ўзаро уйғунлашувига алоҳида эътибор қаратилиб, турли халқларнинг тарихий-миллий таълимга оид ёндашувларидан самарали фойдаланиш орқали илғор методларни жорий этиш тенденциялари кузатилмоқда.

Дунёдаги етакчи илмий тадқиқот муассасалари педагогик интеграциянинг объектив асослари, омиллари ва тоифавий тавсифини белгилаш, морфологик ва инструментал-услубий тасвирини аниқлаш, педагогик интеграцияни технологик таъминлаш воситаларини ишлаб чиқиш, миллий ва замонавий интерфаол таълим-тарбия методлари ва технологияларининг хусусиялари, ўқитишдаги турли хил муқобил ёндашувларнинг ташқи ва ички омилларига қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур илмий изланиш натижалари ўқув фанларини ўзаро оптималлаштириш, ўқув жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш самарадорлигини ошириш, таълим сифатини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда таълим тизимини модернизациялаш, янги авлод дарсликларини яратиш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий асбоб-ускуналар, техника воситалари, компьютерлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўқитишда замонавий таълим технологияларини самарали қўллаш имкониятларини кенгайтирмоқда. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш, ўқувчилар томонидан ўзлаштириш компетентлигини кенгайтиришни таъминловчи замонавий таълим технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш”¹ каби вазифалар белгиланган. Бу борада ўқитиш методларини миллий-тарихий ва замонавий педагогик технологиялар уйғунлашуви асосида такомиллаштириш, миллий ва хорижий тарбия технологияларининг ўзаро қиёсий таҳлил қилиш орқали тарбиявий фаолиятни лойиҳалаш ҳамда амалга оширишга йўналтирилган технологик босқичлар, педагогик шартларни аниқлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони.- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 29.04.2019 й., 6/19/5712/3034-сон, 2019 й

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида ”ги ПФ-5712-сон, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сон Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларни мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида таълим жараёнини самарали ташкил этиш, унинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлашга эришиш масалалари етук мутафаккирлар ҳамда илғор педагогларнинг диққат эътиборларини жалб этиб келган. Ёш авлод таълим тарбиясини ташкил этишнинг ушбу жиҳатлари ўз даврида Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Фаробий, Мирзо Улуғбек, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Саидрасул Азизий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдуқодир Шакурий, Садриддин Айний, Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов кабилар таълим технологияларини ўзгартиришга катта ҳисса қўшдилар.

Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш борасида И. Ибрагимов, Ж. Йўлдошев, У. Йўлдошев, У. Нишоналиев С. Нишонова, М. Очиллов, Н. Сайдахмедов, С. Усмонов, Ж. Толипова, Ў. Толипов, М. Усмоновбоева Ш. Абдуллаева, О. Абдуқудусов, Б. Адизов, Ш. Баратов, Х. Алиқулов, Ф. Бабашев ва бошқалар самарали тадқиқотлар олиб бормоқдалар

Педагогик технологияга қатор олимлар томонидан турлича таърифлар берилган бўлиб В. Шепель, Б. Лихачёв, В. Беспалько, И. Волков, М. Чошанов, В. Монахов, В. Кларин, Г. Селевко, В.Сластенин, Б. Фарберман , В. Юдин ва бошқаларнинг ишларида педагогик технология - техника ресурслари, одамлар ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда таълим шакллари оптималлаштириш вазифасини қўювчи ўқитиш ва билимларни

ўзлаштиришнинг барча жараёнларини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли методи, деб таърифланади.

Замонавий ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатадики, В. Bloom, Y. Gass, L. Leya, P. Mitchell, U. Pophem, T. Sakamoto, B. Skinner, E. R. Terry, D. Haward, R. Kagan каби хориж олимлари томонидан замонавий педагогик технологияларнинг методлари тадқиқ этилган.

Интеграция муаммосининг долзарблиги бўйича олимлардан Н.Н. Азизхўжаева, Ш.Э. Курбонов, Э.А. Сейтхалилов, Р. Сафарова, Ў.Қ. Толипов, М. Усмоноваева, М.М. Мамадазимов, М.Р. Жуманиёзова ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Юқоридаги илмий манбалар таҳлили таълим самарадорлигини оширишда тарихий-миллий ва замонавий педагогик технологияларни интеграциялашни такомиллаштириш таълим сифатини оширишда миллий-тарихий ва замонавий технологияларни уйғунлаштириш, уни таълим жараёнига яхлит жорий этиш муаммоси долзарблигини кўрсатмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқотлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф8062 рақамли “Хорижий тилларни ўқитишнинг касбий-педагогик технологиялари ва таълимни бошқаришни такомиллаштиришнинг педагогик-психологик масалалари” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таълим самарадорлигини оширишда тарихий-миллий ва замонавий педагогик технологияларни интеграциялашнинг мазмуни ва ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллий-тарихий ва замонавий педагогик технологияларнинг эволюцион тараққиёти ҳамда назарий асосларини аниқлаштириш;

миллий-тарихий ҳамда замонавий педагогик технологияларнинг уйғунлигини таъминлаш мазмунини такомиллаштириш;

миллий ва хорижий тарбия технологияларининг ўзаро қиёсий таҳлил қилиш орқали тарбиявий фаолиятни лойиҳалаш ҳамда амалга оширишга йўналтирилган технологик босқичларни белгилаш;

Олий таълим жараёнида анъанавий ва инновацион таълим технологияларининг уйғунлигини таъминлашнинг педагогик шартларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тарихий-миллий ва замонавий педагогик технологияларни интеграциялаш жараёнлари белгиланган, тажриба-синов ишларига Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах вилоятларидаги 10 та умтаълим мактабларининг 397 нафар ўқувчилари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети таълим самарадорлигини оширишда тарихий-миллий ва замонавий педагогик технологияларни интеграциялашнинг мазмуни, шакл, технология, метод ҳамда воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, педагогик кузатув, ретроспектив таҳлил, моделлаштириш, суҳбат, интервью,

тест, педагогик эксперимент, математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тарихий-миллий ҳамда замонавий педагогик технологиялар интеграциясининг дидактик имкониятлари ўқув мазмунини танлаш, қиёслаш (аналогия)да мутафаккир алломалар ўғитлари, ривоят, баҳру байт каби методлардан фойдаланиш шартларини (йўл-йўриқ кўрсатиш, қўшимча топшириқ, рағбатлантириш, баҳолаш) белгилаш асосида аниқлаштирилган;

ўқитувчининг педагогик функциялари (иллюстрацияли, ахборот алмашинув, ўзаро алоқа фаолияти) жамоавий ва индивидуал ўқитишга йўналтирилган интеграциялашган бадий-эстетик цикл босқичларини (санъат асарлар намойиши, маданият намуналари, намуналар яратиш) киритиш асосида такомиллаштирилган;

таълим технологияларини интеграциялаш тузилмаси тарихий-миллий (панд-насихат, ибрат, чистонлар, далиллар келтириш, шахсий намуна, муашшахлар) ва замонавий (лойиҳалаш, интерфаол) технологиялар узвийлигининг билиш натижасига (эсда сақлаш, исботлаш, ижодий қайта ишлаш, янги билимга йўл) таъсирини очиб бериш асосида ишлаб чиқилган;

«Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанини ўқитишга оид илмий-методик тавсиялар тарихий-миллий ҳамда замонавий педагогик технологиялар интеграцияси устуворлиги бўйича кичик гуруҳлар фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган “Байналминал” клуби дастурини лойиҳалаштириш асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи, ўқув фанлари, жамият ва табиат ҳодисаларини таҳлил қилишга тизимли ёндашув) ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республикамиз, чет эллик олимлар, шунингдек, амалиётчи ўқитувчиларнинг ишларига асосланилганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти “миллий-тарихий таълим технологиялари”, “педагогик технология”, “таълим технологияси”, “интеграция”, “интегротив дастурлар”, “фанлараро интеграция”, “ўқитиш технологияси”, “ўқитишнинг иллюстратив технологиялари”, “шахсга йўналтирилган технологиялар” “муаммоли аналогия усуллари”, “контраст усул” каби тушунчалар билан алоқадорликда мазмун-моҳиятнинг ёритиб берилганлиги, таълим самарадорлигини оширишда тарихий-миллий ва замонавий технологияларни интеграциялашни такомиллаштириш моделининг ишлаб чиқилганлиги ҳамда ўқитувчилар учун тарихий-миллий ва замонавий педагогик технологияларни

интеграциялашнинг психологик, педагогик жиҳатларини таъминлаш механизмларининг такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки қўлга киритилган натижалардан педагогик олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини тузишга қўлланмалар, дарсликлар яратишда, ўқитувчилар малакасини ошириш ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш курслари учун “Таълим самарадорлигини оширишда замонавий педагогик технологияларни интеграциялаш” номли ўқув қўлланмани яратишда фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таълим самарадорлигини оширишда тарихий-миллий ва замонавий педагогик технологияларни интеграциялашга доир тадқиқот натижалари асосида:

тарихий-миллий ҳамда замонавий педагогик технологиялар интеграциясининг дидактик имкониятлари, ўқув мазмунини танлаш, қиёслаш (аналогия)да мутафаккир алломалар ўғитлари, ривоят, баҳру байт каби методлардан фойдаланиш шартлари, ўқитувчининг педагогик функцияларини такомиллаштириш, жамоавий ва индивидуал ўқитишга йўналтирилган интеграциялашган бадий-эстетик цикл босқичларга оид таклифларидан Халқ таълим вазирининг 2018 йил 7 февралдаги «Методик хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, методистлар фаолияти самарадорлигини ўрганиш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича амалий ўқув семинарларини ташкил этиш тўғрисида»ги 35-сон буйруғи асосида ишлаб чиқилган ўқув-методик таъминотни яратишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2020 йил 3 мартдаги 01/11-01/1-195-сонли маълумотномаси). Мазкур ўқув-методик таъминот бўлажак педагог кадрларнинг технологик компетентлилигига қўйиладиган талабларни аниқлаштириш ва баҳолашга хизмат қилинган;

таълим технологияларини интеграциялаш тузилмаси, тарихий-миллий (панд-насихат, ибрат, чистонлар, далиллар келтириш, шахсий намуна, муашшаҳлар) ва замонавий (лойиҳалаш, интерфаол) технологиялар узвийлигига оид тавсиялардан ИТД-4-122 “Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” (2009-2011) мавзусидаги лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 март 89-03-915-сон маълумотномаси). Тарихий-миллий ва замонавий педагогик технологиялар интеграциясига асосланган илмий ишланмалар таълим муассасаларида ўқувчиларни тарбиялаш самарадорлигини ошириш имкониятларини кенгайтирган;

тарихий-миллий ҳамда замонавий педагогик технологиялар интеграцияси устуворлиги бўйича кичик гуруҳлар фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган “Байналминал” клуби дастурини лойиҳалаштириш, ўқувчиларда маънавий тарбия индикаторлари ва компетенциялари, тарихий-миллий ҳамда креатив технологияларга доир таклиф ва тавсиялардан Халқ таълими вазирининг 2017 йил 11 декабрдаги «Худудий халқ таълими бошқарув идоралари раҳбарларининг Республика ўқув-семинарини ташкил этиш тўғрисида»ги 385-сонли буйруғи билан тасдиқланган методик

таъминотни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2020 йил 3 мартдаги 01/11-01/1-195-сонли маълумотномаси). Ушбу методик таъминот республика бўйича ташкил этилган «Таянч мактаблар» фаолиятини йўлга қўйиш, ўқитишнинг самарадор деб топилган намунавий ёндашувларини оммалаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, 16 та республика, 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 131 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, унинг фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги асосланиб, ишнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Тарихий-миллий ва замонавий педагогик технологияларни интеграциялаш-таълим самарадорлигини оширишда муҳим восита”** деб номланган биринчи бобида таълим технологияларининг тарихий-миллий асослари, замонавий педагогик технологияларнинг таълим самарадорлигини оширишдаги ўрни, таълим самарадорлигини оширишда тарихий-миллий ва замонавий педагогик технологияларни интеграциялашнинг назария ва амалиётдаги ҳолати баён этилган.

Ўзбекистонда миллий таълим тарихига назар ташлар эканмиз турли даврлар ва мафкуралар таъсирида илк илмий-тарихий, диний-фалсафий, таълимий-ахлоқий таълимотлар ёш авлодни комилликка етакловчи қудратли куч - ақл-идрок, юксак тафаккур, маънавий-ахлоқий шакллантириш таълим-тарбиянинг негизи бўлганлигини кузатамиз. Албатта, бу улуғвор вазифаларни бажаришда аждодларимиз таълим-тарбияда мақбул метод ва усуллардан фойдаланганлар.

Буларни биз «миллий-тарихий таълим технологиялари» деб атайдиган бўлсак, таълим тарихида ўзига хос ўқитиш технологиялари мавжуд бўлганлигини кўраамиз.

Педагогик технологиянинг миллий асоси таълим-тарбия тажрибаларини турли тарихий даврларда амалга оширишнинг шакл ва усуллари, мазмуни

ҳамда турли педагогик назариялар ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлиб, улар замонавий педагогик технологияларнинг келиб чиқиши учун замин ҳисобланади. Ҳозирги педагогик технологиялар турли даврларда олиб борилган ўқитиш метод ва усуллари, халқ педагогикаси ва мутафаккирларнинг таълим-тарбияга доир фикрлари асосида пайдо бўлиб, такомиллашиб борган.

Ҳозирги даврда педагогик технологиялар (жумладан, ўқитиш технологиялари ҳам) Ғарб ва Шарқ педагогик талабларини горизонтал ва вертикал интеграция нуқтаи назаридан синтез қилиш, илмий ва халқ педагогикасининг уйғунлаштирилиши асосида тараққий этиб боради.

Мустақиллик туфайли миллий мактаб барпо этилар экан, албатта, миллий таълим-тарбия ҳам йўлга қўйилади. Демак, миллий маданият ва миллий руҳни шакллантириш, миллий ҳаёт тарзини эгаллаш миллий мактабнинг асосий вазифаси. Бу миллий тарбия методларидан фойдаланиш технологиясини ўрганишни тақозо этади.

Миллий ўқитиш технологияларининг дастлабки элементлари қадим замонларга бориб тақалади. Демак, таълим технологиялари инсон таълим-тарбия фаолияти билан шуғуллана бошлаган даврларда шакллана бошлаган.

Мустақиллик шароитида Ўзбекистонда янги педагогик технологияларни таълим жараёнига олиб кириш, бу фаолиятни миллий таълим тажрибалари билан уйғун ҳолда амалга ошириш муаммоси «таълим технологияси»ни таълим тизимида самарали жорий этиш муаммолари билан бирга ҳал этиш масаласини кўндаланг қилиб қўйди.

Ўзбекистонда ривожланиб, шаклланган таълим технологияларининг тарихий-миллий асоси сифатида бир неча таълим турлари мавжуд бўлган.

Булар анъанавий таълим, оилада таълим-тарбия, яқка таълим, гуруҳли таълим, синф - дарс таълими, ота-она касбини ўргатиш таълими, жамоатчилик таълим-тарбияси, «Уста-шогирд» таълими (Ж.Йўлдошев, С.Усмонов ва бошқалар).

Ана шу таълим турларида ўқитишнинг турли технологиялари қўлланилган.

Талабаларга билим беришда зеҳни тарбиялаш, билимларни мустаҳкамлаш, узоқ эсда сақлаб қолиш, тафаккур қобилятини мустаҳкамлашга катта эътибор берилган. Шу мақсадда чистон (топишмоқ)ларни ечиш, мувашшахлар ёзиш, адабий асарни шарҳлаш ва изоҳлаш кабилардан фойдаланилган. Бу усуллар талабани рағбатлантирган, унинг ўқишга бўлган қизиқишини ва қобилятини оширган.

Муаллим ва мударрислар кўпроқ муҳокама, мунозаралар уюштириб, матнни шарҳли-изоҳли ўрганишга эътибор берганлар.

XIX асрда зиёлилар вакиллари - маърифатпарвар олимлар томонидан таълимни ислоҳ қилиш учун кураш олиб борилди. Улар Туркистонда янги усул мактабларини ташкил этиш бўйича ҳаракат бошладилар. Исҳоқхон Иброт, Саидрасул Азизий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдуқодир Шакурий, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний, Ҳамза, Фитрат каби маърифатпарварлар ўқитиш технологияларини ўзгартиришга катта ҳисса

қўшдилар.

Маърифатпарварлар жамиятни ислоҳ қилишни биринчи навбатда таълимни ислоҳ қилишдан бошладилар. Энг муҳими, хат-савод ўргатишда қийин ва жуда кўп вақт талаб қиладиган ҳижо усулидан, қисқа вақтда ўқишни ва ёзишни ўрганиб оладиган товуш методига ўтишни амалга оширдилар. Таълимни ислоҳ қилишда маърифатпарварлар ўқитиш мазмуни, шакл ва методларини ҳам янгилашга ҳаракат қилдилар. Янги дарслик ва методик қўлланмалар тузиб, янги усул мактабларида мактаб қиёфасидан бошлаб таълим тизимига қадар илғор мамлакатлар тажрибаларидан фойдаландилар. Шу билан бирга миллий мактабнинг энг мақбул анъаналарини ҳам сақлаб қолдилар.

Ҳозирги кунда барча фанларни ўқитишда миллий мактабнинг илғор анъаналарини давом эттириш муҳим.

Бу борада илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига тўлиқ татбиқ этиш, улардан фойдаланишда миллий ўқитиш технологиялари билан интеграциялаш таълим самарадорлигини оширади.

Замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига жорий этиш ва унинг самарадорлигига эришиш замон талаби бўлиб қолди.

Маълумки, «технология» сўзи қадимги юнончадан олинган бўлиб, «*techne*» - маҳорат, санъат ва «*logos*» - тушунча, таълим сўзларининг бирикмасидан ҳосил бўлган. «Таълим технологияси» тушунчаси (инглизча «*an educational technology*») таълим жараёнини юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этишга оид маълумотлар жамланган деган маънони англатади.

Педагогик технология қўйилган таълимий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш имконини берадиган, таълим ва тарбияни назарий жиҳатдан асосланган шакл, метод ва усуллари олдиндан лойиҳалаштирилган таълим жараёнидир. Педагогик технологияда асосий муаммо таълимнинг ташкилий шакллари, метод ва усулларида аниқ мақсадга йўналтирилганларини танлаш ҳисобланади.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этишда арзирли даражада тажрибалар тўпланган, ана шу тажрибаларда қўлланилган методлар интерфаол методлар номи билан кенг ёйилиб бормоқда.

Маълумки, замонавий педагогик технологияга асосланган таълимда ўқувчиларнинг ижодий изланувчанлик фаолияти эътиборга олиниши зарур. Ўқувчи фақат ўқитувчи буйруғини бажарувчи эмас, билим олиш объекти ва субъекти сифатида қаралиши, уларда эркин, мустақил ва ижодий фикрлашга йўл очилиши замонавий таълим жараёнининг бош вазифасидир. Таълимга бундай ёндашув ўз навбатида таълим самарадорлигига эришиш кафолати бўлиб ҳисобланади. Таълим технологиялари асосида ўқув жараёнини ташкил этишда, билим эгаллашнинг бир қанча бир-бирига боғлиқ бўлган босқичлари мавжуд бўлиб, тайёр билимларни ўқувчи онгига етказиш, эсга олиш, эсда сақлаш, қайта эсга тушириш, сўзлаб бериш, ёзма ифодалаш каби ҳолатлар билиш, тушуниш даражаларини аниқлаб беради. Аниқланган даражаларда

билим олувчидан ижодий ёндашувни талаб этиш, ўзлаштиришнинг кейинги даражаларида ўқувчилар олган билимларини амадга татбиқ этиш, маълум натижаларни қўлга киритиш, тўлдириш, бойитиш, ўзлаштириш, ўзининг мустақил нуқтаи назарига эга бўлиш талаб этилиши учун муаммоли ёндашув муҳим аҳамиятга эга.

Таълимнинг замонавий технологияларидан интерфаол методлар таълим-тарбия жараёнида кенг қўлланилмоқда. Буларга «Фикрий хужум», «Ялпи фикрий хужум», «Фикрларнинг шиддатли хужуми», «бхбхб» методи, «Аклий хужум», «Кластер» методлари, «Қарорлар шажараси» (қарорлар қабул қилиш технологияси), «Тажриба воситасида ўқитиш цикли» (Д.Колб ғояси), «Қора қути» методи, «Бешинчиси (олтинчиси, еттинчиси, ... ортиқча)», «Қизил ва яшил рангли карточкалар билан ишлаш», «Видео топишмоқ» методи, «Юмолоқланган қор» ўйини, «Заковатли зукко», «Қарама-қарши муносабат» методи, «Зиг-заг» стратегияси, «Вен динамикаси» стратегияси, «Инсерт» стратегияси, ролли ҳамда ишбоп ўйинлар, «Мактаб ўртоқлик суди», «Адолат ўлкасига саёхат» ва бошқалар кенг қўлланилаётган интерфаол методлардир.

Ўқув жараёнининг самарали бўлиши замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш, уни ўрганилаётган ўқув материални олдиндан лойиҳалаш, яъни мазмуни, мақсад ва вазифаларини қандай ҳал этиш йўлларини белгилаб олиш зарурдир. Зеро, педагогик технология моҳиятига кўра ҳар қандай мураккаб таълим-тарбия тизими илмий, қулай, узлуксиз, истиқболдаги натижасини назарда тутган ҳолда, амалиёт билан боғлаб лойиҳалаштирилади. Чунки ҳар қандай педагогик технологияни қўллаш самарадорлиги унинг вариативлиги, ўқув-тарбия жараёнининг лойиҳалаштирилиши, унинг андозаси, ташкил этиш тамойиллари, метод ва усуллари, воситалари, шарт-шароитларини ташкил этиш шаклларига боғлиқ.

Бу борада Ригадаги Стокгольм иқтисодиёт мактаби профессори Лоуренс Стаут таълим самарадорлигини оширишнинг еттита асосий тамойилини келтиради:

1. Таълим ўзаро ҳамкорликка асосланади.
2. Ўқув-билув жараёни табиий жараён бўлиб, ахборотлар қабул қилиниб, идрок этилади.
3. Билим олиш энг зарур туйғу. Билиш ҳар бир кишининг ички талабидир. Бошқача қилиб айтганда, ўқиш ва ўрганиш ҳар бир инсон учун ҳаёт зарурияти бўлиб, у бунинг учун курашга интилиб яшайди.
4. Ҳар бир инсон ўзига хос индивидуал хусусиятларга эга. Шунга кўра энг маҳоратли ўқитувчи ҳам таълим самарадорлигини тўлиқ амалга ошириш имкониятига эга эмас. Таълим самараси ўқитувчининг ҳар бир ўқувчи билан индивидуал, яккама-якка билим беришига, у билан иш олиб боришига ҳам боғлиқ.
5. Ўқиш – бу узлуксиз меҳнат. Фақат онгли ва фаол меҳнат ва фаолият туфайли чуқур ва мустаҳкам билим олиш мумкин.
6. Маълумки ҳар бир инсон ижтимоий саналади. Агар ўқувчи ўқишга ўзида эҳтиёж сезадиган шароитда яшаса ва ўқиса, унга ҳам ўқиш кадрли ва завқли бўлади.

7. Таълим амалиёт билан мустақкам алоқада бўлиши керак.

Таълим самарадорлигини оширишга доир талаблар замонавий педагогик технологияларни тарихий-миллий технологиялар билан интеграциялашда ижобий натижалар беради.

Маълумки, «интеграция» атамаси номи жиҳатдан янги бўлса-да, маъно-мазмунига кўра анча тарихийдир. У аввало коинотда, жамиятда, ҳаётда, турмуш ва ишлаб чиқаришда, таълимда, аниқроғи микро оламдан макро оламгача интеграция муҳим аҳамиятга эга. Демак, интеграция тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам кенг маънога эга. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда таълимдаги интеграция жараёнининг моҳияти, ҳаётнинг барча соҳаларида тутган ўрни ривожланган мамлакатлар олимлари томонидан атрофлича ўрганилмоқда.

«Интеграция» сўзи луғатларда изоҳланишича латинча «integratio» сўзидан олинган бўлиб, қайта қуриш, тиклаш, тўлдириш («integr» - тўлиқ, бутун, яхлит деган маънони англатади. Шунингдек, бошқа бир луғатларда¹ «интеграция» - ўзаро боғланган ҳолда ривожлантириш, «интегрировать» - бир бутун қилиб бирлаштирмак, яхлит ҳолга келтирмак, дейилса, соҳавий луғатларда «интеграция» - ўқитишнинг мақсад ва омилларини бир бутун қилиб бирлаштириш, деб изоҳланади.

Интеграциялаш тушунчаси муҳим илмий тушунча бўлиб, у умумлаштириш ва хулосаларда методологик восита бўлиб ҳисобланади, чунки унинг ёрдамида жараён ва ҳодисалар мазмунлари орасидаги умумий уйғунлик алгоритмлари яратилади.

Таълимни янгилаш – унинг ташкилий шакллари ва методларидан самарали фойдаланиши, бу борада таълимга интегратив ёндашишни талаб қилади.

Таъкидлаш лозимки, таълимни интеграциялаш деганда турли ўқув фанларидан ўрганиладиган билимларнинг ўзаро боғланиши деб тушунишнинг ўзи кифоя қилмайди, айти пайтда **ўқитиш технологиялари, методлари ва шакллари** ҳам интеграциялаш сифатида тушунмоқ лозим бўлади.

Таълим самарадорлигини оширишда замонавий педагогик технологияларни тарихий-миллий технологиялар билан интеграциялаш муаммоси ҳам ҳозирги кунда долзарблик касб этмоқда. Лекин барча тадқиқотларда муаммонинг айрим жиҳатларига (фанлараро интеграция ва бошқалар) эътибор берган ҳолда тарихий-миллий ва замонавий технологияларни интеграциялаш масаласи назардан четда қолган.

Бу борада, таълим самарадорлигини оширишда тарихий-миллий ўқитиш технологияларимиз бой тажрибага эга бўлиб, уларнинг энг қулай шакл, метод ва воситаларидан замонавий технологиялар билан интеграллашган ҳолда қўллаш ижобий натижалар бериши муқаррар.

Зеро, миллий тарбия - Ғарб ва Шарқ педагогик тажрибаларини интеграция нуқтаи назаридан синтез қилиниши, замонавий ва миллий

¹ Русча-ўзбекча луғат. – Т.: Фан, 1983.; Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х. ва б. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т.: Fan va tehnologiya, 2008.

педагогиканинг уйғунлаштирилишини назарда тутди.

Ҳозирги замон педагогик технологиялари миллий тарбия омиллари: табиат, сўз, меҳнат, турмуш, удумлар, анъаналар, санъат, дин, муомала, ўйин, намуна, меҳнат, ҳашар, гап гаштак, байрамлар, Наврўз, Ҳайит, беллашувлар, театрлаштирилган кўриниш, дорбозлик, маслаҳат, кураш кабиларда намоён бўлади.

Буни таълим мазмунида ўқитиш шакллари, услублари ва воситаларида миллийлик ва замонавийликни интеграцияламасдан амалга ошириш мумкин эмас. Ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмаларида ўзбек халқининг таълим тажрибаларидан фойдаланиб, уларнинг ижтимоий-тарихий тараққиёти мобайнида яратган моддий ва маънавий бойликлари акс этмоғи муҳим.

Ижтимоий-гуманитар фанлар мазмунини интеграциялаштиришда анча силжишлар бўлди. Лекин аниқ фанларда бу нарса ортида қолмоқда. Масалан, амалий санъатга ўргатишнинг халқ орасида таркиб топган услубиётини, хусусан, ганч ва ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, мусиқа асбоблари яшаш, кулолчилик ва бошқа кўплаб амалий санъат турларини эгаллашнинг халқ усталари ва чеварлари томонидан тажрибада яратилган усуллари, услуб ва воситалари мавжуд. Улардан мактабларда меҳнат таълими дарсларида ёки тўғарак машғулотларида фойдаланиш мумкин. Лекин буларга амалиётда кўп ҳам эътибор берилмаяпти.

Синфдан ташқари машғулотларда тематик кечалар, мулоқотлар, савол-жавоб кечалари, қувноқлар ва зукколар беллашуви, кўрик-танловлар, турнирлар, спорт мусобақаларида ҳам миллий тарбия технологияларини қўллаш мумкин.

Шу билан бирга ўзбек халқи тарихи, маданиятини ўрганишда тарихий обидалар, музейларга, зиёратгоҳларга, машхур обидаларга, шаҳарларга экскурсиялар, айниқса катта аҳамиятга эга бўлиб, буни ҳозирги замонавий технологияларни тарихимизнинг миллий анъаналари билан интеграциялаш асосида уларни мактаб таълим-тарбия тизимида жорий этиш таълим самарадорлигини амалга оширишга ёрдам беради.

Диссертациянинг **«Таълим самарадорлигини оширишда тарихий-миллий ва замонавий педагогик технологияларни интеграциялаш шарт-шароитлари»** деб номланган иккинчи бобида тарихий-миллий ва замонавий таълим технологияларини интеграциялашнинг педагогик-психологик хусусиятлари, таълим самарадорлигини оширишда тарихий-миллий ва замонавий педагогик технологияларни интеграциялашнинг шакл, метод ва воситаларини ёритишга бағишланади.

Маълумки, ҳар қандай ўқув фанини қай даражада самарадорлиги ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари, қизиқишлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ. Чунки ўсмирлик даври болаларнинг тақлидчилиги, ташқи таъсирларга берилувчанлиги билан характеридаги беқарорлик, ҳиссиётларга берилувчанлик, ҳатти-ҳаракатларида мардлик, тантилиқ хислатлари уларга таълим-тарбия беришда жиддий муносабатда бўлишни талаб этади.

Ўсмир ёшида ақлий фаолиятда, қизиқишида ҳам ўзгаришлар юз беради. Унинг билим савияси кенгая боради.

Таълим жараёни ҳамма вақт ўзаро алоқада – яъни интеграциялашган тарзда намоён бўлади. Бу ўзаро алоқа жуда кўп жиҳатларни ўз ичига олиб, энг муҳими ўқитиш методларини тўғри танлашга ҳам боғлиқ. Бунда эса ўзаро ҳамкорлик катта роль ўйнайди. Мазкур ҳамкорликда ўзаро алоқадорлик – интеграциялашув ижобий самара беради. Ана шу интеграциялашувда асосий мақсадга эришиш йўли ётади. Бу учта компонентни ўз ичига олади:

- мақсадлар бирлигини аниқ англаш;
- ҳамкор томонларнинг вазифаларини ажрата олиш;
- мақсадга эришишда вазифаларни тўғри амалга ошириш.

Лекин интеграция масаласи мураккаб муаммо бўлиб, уни амалга ошириш осон кечмайди.

Тарихий-миллий ва замонавий технологияларни интеграциялаб ўқитишда VII – IX синфларда ўрганиладиган «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув фани катта имкониятларга эга. Чунки мазкур фан табиий-математика фанлари билан бир қаторда она тили, адабиёт, тарих, биология ва бошқа гуманитар фанлардаги жуда кўп мавзулар билан интеграллаб ўқитилади. Масалан, адабиёт фанида «Комил инсон ғояси», «Она тили – миллат руҳи», «Мулоқот қоидалари»; тарих фанида «Мустақиллик ва маънавият», «Тараққиёт ва мафкура», «Ватанпарварлик», «Миллий ифтихор туйғуси» мавзулари; табиёт фанида «Инсон ва табиат», «Экологик маданият» мавзулари; биология фанида «Шахсий гигиена талаблари», «Соғлом турмуш тарзи – саломатлик гарови»; иқтисод фанида «Тараққиётнинг ўзбек модели», «Сарф харажат», «Исрофгарчилик», «Тежамкорлик ва ижтимоий ҳамкорлик» мавзулари; меҳнат таълими фанида «Уй тутиш қоидалари», «Оилада меҳнат тақсимоти», «Ёшлар ва кийиниш маданияти» мавзуларида юқоридаги фанлар доимо бир-бирини тўлдириб келади ва ўқувчилар билимини мустаҳкамлашда интеграл методлардан фойдаланилади.

Дарсда ҳар бир воқеа-ҳодисани ўзаро алоқада, бирликда ўрганиш уларни диалектик англашни таъминлайди. Зеро, диалектик фикр юритиш воқеликни билишда энг ишончли йўл бўлиб, у ҳар бир фан бўйича тўпланган билимларни диалектик метод асосида синтезлаш имконини беради.

Методлар ўртасида интеграция табиат ва жамият воқеалари ўртасидаги мавжуд алоқаларнинг объектив инъикосидир. Бинобарин, ўзаро боғланиш жамият ва табиатдаги нарса ва ҳодисаларга хос умумий ва муҳим хусусиятдир. Бу эса ҳар бир нарса ва ҳодисалар билан бўлган муносабатларни билишга боғлиқдир. Фанларни ўқитишда улардаги воқеа-ҳодисаларни ўзаро алоқада объектив қонуният сифатида ёритиш, улардаги умумий ўхшашликни, муштараклик хусусиятларини очиб беради.

Таълим самарадорлигини оширишда тарихий-миллий ва замонавий педагогик технологияларни интеграциялаш ўзига хос педагогик-психологик хусусиятларга эга бўлиб, уни амалга оширишда ўсмир ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятлари, ўқув фанларини муваффақиятли ўзлаштириши

учун шарт-шароитлар яратиш, таълим жараёнини ташкил этишда ҳаётий тажрибалардан фойдаланиш, бу борада тарихий тажрибаларни унинг тасавури орқали шахсий ҳаётида намоён этиш муҳим аҳамият касб этади.

«Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув фани ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлари бўйича ўрганиладиган мавзуларни тарихий-миллий ва замонавий технологияларни интегротив ўқитишда дастур материалларини мавзунинг мазмунига, ўқувчиларнинг билим савиясига, ўзлаштириш қобилиятига, дарсдаги ўқув ашёларининг мавжудлигига, умуман шарт-шароитларга қараб метод ва усуллар танланади. Бунда ўқитувчи:

- тарихий-миллий ва замонавий технологияларни интеграциялашга доир мавзуларни аниқлаши;

- мавзуга боғлиқ тарихий-миллий ва замонавий технологияларни белгилаши;

- дарсда қўлланиладиган воситалар (жадвал, расм, плакат, аудио, видео тасвирлар дискетлари)ни тайёрлаши ва улардан фойдаланиш йўллари аниқлаши;

- ўқувчиларнинг билим даражаларини билиб олиши муҳим ҳисобланади.

«Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фани бўйича тарихий-миллий ва замонавий технологияларни интеграциялашни икки ҳолатда кўриш мумкин:

1. Миллий истиқлол ғоясининг тушунча ва тамойилларини ўқувчиларда мазкур ғояни шакллантириш, рағбатлантириш, муносабат билдириш, тасавури пайдо қилишга йўналтириш.

2. Таъсир жараёнини ўқувчиларда маълум хулқ меъёрларини пайдо қилишга йўналтириш.

Ҳозирги даврда тадқиқотчилар томонидан:

- а) шахс онгини шакллантирувчи;

- б) шахс фаолиятини ташкил этувчи ва ижтимоий хулқини шакллантирувчи;

- в) шахс фаолияти ва хулқини рағбатлантирувчи интегротив методлар тавсия этилмоқда.

Булардан «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанини ўқитишда ҳикоя, тушунтириш, маъруза, суҳбатлар каби анъанавий методлар билан бирга ўқувчиларнинг онги ва қалбига бевосита таъсир этувчи методларни, турли маърифий воситалар, масалан, ибратли бадий ва оммавий асарлар, турли ахборотлар, қизиқарли қўлланма ва маълумотномалар, изоҳли луғатлар, радио эшиттиришлари, телекўрсатувлар, маҳаллалардаги тадбирлар, мумтоз мусиқа ва мақом намуналари, эстрада қўшиқлари каби воситаларни ҳам танлаш мақсадга мувофиқ. Мазкур фандан ташкил этиладиган машғулотлар одатдаги машғулотлардан фарқ қилиб, унда семинарлар, сайру саёҳатлар, баҳс-мунозаралар, давра суҳбатлари, турли касб мутахассислари билан учрашувлар, кўрик-танловлар, турли мавзуларда ақлни чархлаш машқлари ва бошқа жуда кўп шакл ва методлар интеграциялашуви мумкин.

Ўсмирлар фаолияти бир неча йўналишларга бўлиниб, биринчиси, яъни энг муҳимларига ўқув фаолиятида муваффақият шароитини яратиш, ўқувчиларнинг ўқув вазифаларини бажаришда ўзида илгари маълум бўлмаган имкониятларни билишга доир қизиқарли, ўзига хос вазифаларни қўйишни тақозо этади.

Иккинчи йўналиш – ўқувчиларнинг билмаганларини билиш ва билмаганлигининг олдини олишга эришганлигидан қаноатланиш ҳиссиёти пайдо бўлиб, бу – таълимда ўқувчилар фақат эришган муваффақиятларидангина эмас, балки билмаганларини англаб олиши, билиши имкониятидан фахрланиш туйғусининг пайдо бўлиши билан таълимда янгича ёндашиш ҳисобланади.

Учинчи йўналиш – ўсмирларнинг қийин вазиятлардан чиқиб кета олиш, ўқишга доир муносабатларнинг мос келмаслиги, ўқитувчиларга танқидий муносабатлар каби ҳолатлар мавжуд бўлиб, буларни ҳал этишда маълум меъёрларга риоя этиш талаб этилади.

Бу жараён маълум босқичлардан иборат бўлиб, ўқувчиларнинг ўз хатоларини тушуниши ва ўқитувчи билан ҳамкорлик қилишининг энг қулай усуллари ўқитувчининг тарихий-миллий ва замонавий технологияларни интеграциялашдан иборат. Бу эса ўз навбатида ўсмир ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятлари, ўқув фанларини чуқур ўзлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш, интегратив ўқитиш методларини тўғри танлаш, таълим жараёнини ташкил этишда ҳаётий тажрибалардан фойдаланиш, бу борада тарихий тажрибаларни унинг тасаввури орқали шахсий ҳаётида намоён этишни тақозо этади.

Интегратив ўқитишда ривоятлар, шарҳлар, баҳру-байтлар, мушоиралар, чистонлар, иншолар билан бир қаторда интерфаол методлар, муаммоли қиёслаш (аналогия) усуллари ёки контраст (зиддият) усулидан фойдаланиш ҳам яхши натижалар беради.

Диссертациянинг «**Тарихий-миллий ва замонавий педагогик технологияларни интеграциялаш асосида таълим самарадорлигини ошириш**»га бағишланган учинчи бобида тажриба-синов ишлари ва уларнинг натижалари, шунингдек, таълим самарадорлигини оширишда тарихий-миллий ва замонавий педагогик технологияларни интеграциялашни такомиллаштириш йўналишлари ёритилади.

